ЎЗБЕКИСТОНДА ИНКЛЮЗИВ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Ҳасанов Тоҳир Абдурашидович
Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти Илмий тадқиқотлар бўйича консультанти, и.ф.д.
https://doi.org/10.5281/zenodo.15207009

Аннотация. *Мақолада муаллиф томонидан мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларнинг асосида ўтказилаётган халқаро ва маҳаллий тадбирлар, таълим муассасалари фаолияти, янги туризм маҳсулотлари ва йўналишларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинган.*

Калит сўзлар: *иқтисодиёт, туризм соҳаси, туризм инфратузилмаси, транспорт. Меҳмонхона ва гастрономик хизматлар, сифат кўрсаткичлари, статистик таҳлил, ривожлантириш прогнозлари.*

Маълумки, мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган кўплаб янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда. Унинг асосида халқаро ва маҳаллий тадбирлар ўтказилиб, таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилмоқда. Янги туризм маҳсулотлари ва йўналишларни ривожлантириш, инфратузилмани такомиллаштиришга оид саъй-ҳаракатлар хорижий инвесторларни жалб қилиб, Ўзбекистоннинг халқаро рейтингларда юқори ўринларни эгаллашига ҳам замин яратмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2024 йилнинг 6 ойи мобайнида мамлакатимизга 3,5 миллиондан ортиқ хорижий сайёҳ ташриф буюрган. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 13 фоизга ошганидан далолат беради. Жумладан, “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури доирасида эса ҳудудлар бўйлаб 12,7 миллион нафар аҳоли саёҳатга чиқди. 2024 йилнинг ўтган даврида 1 456 миллион долларлик туризм хизмати экспорти амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд шаҳрида ўтган Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош Ассамблеясининг 25-сессияси очилиш маросимида иштирок этиши ва соҳани янада ривожлантириш бўйича бир қатор муҳим ташаббусларни илгари суриши ҳам туризм жаҳон иқтисодиётининг энг тез ривожланаётган ва истиқболли тармоқларидан бири эканини кўрсатади.

Юртимизда туризм соҳасини ривожлантиришга устувор аҳамият қаратиб келинаётгани боис кейинги йилларда юзга яқин мамлакат фуқаролари учун Ўзбекистонга визасиз кириш тизими, 55 та давлат фуқаролари учун соддалаштирилган электрон виза тартиби жорий этилди. Меҳмонхона ўринлари сони 140 мингтага етказилиб, 70 та янги сайёҳлик маршрути очилди, 6 та хусусий авиакомпания иш бошлади.

Ўзбекистонда туризм соҳасини янада ривожлантириш, мазкур фаолият имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш масалалари муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, Президентимиз томонидан туризмни 2030 йилгача комплекс ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилаётган стратегияда замонавий туризм ва транспорт инфратузилмасини яратиш, катта шаҳар ва сайёҳлар кўп борадиган манзилларда 30 та йирик туризм кластерлари ташкил этиш, “Кўҳна тарих дурдоналари” миллий дастури доирасида туристларни ўзига жалб

қиладиган маданий мерос объектлари сонини 800 тадан 2,5 мингтага етказиш каби масалалар қайд этилган эди. Унда мамлакатимиздаги 745 та маданий мерос объекти реставрация қилиниши ва 20 та меъморий ёдгорликда “очиқ осмон остидаги музей”лар ташкил этилишига ҳам урғу берилди.

Зиёрат туризми дастури доирасида эса саёҳатга келувчилар сонини ҳозиргидан уч баробарга ошириш, қўшни давлатлари билан қўшма сайёҳлик йўналишларини яратиш масалалари диққат марказида бўлиши, туризм йўналишларини ривожлантириш ҳисобидан келгусида камида 1 миллионта янги иш жойлари яратиш режалаштирилгани борасида ҳам тўхталиб ўтилди.

Халқаро туризм соҳасида мустаҳкам ҳуқуқий асосларни кучайтириш мақсадида эса БМТ доирасида Глобал хавфсиз туризм кодексини ишлаб чиқиш давлатимиз раҳбари томонидан таклиф этилди. Шу маънода айтиш жоизки, иқлим ўзгаришлари тобора кучайиб бораётган даврда “яшил” туризмни ривожлантириш бўйича халқаро Ҳаракатлар дастурини қабул қилиш ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир.

Бу борадаги амалий қадамлар сифатида Халқаро туризм ташкилоти доирасида “Яшил” туризмни жорий этиш бўйича энг яхши шаҳар” номинациясини таъсис этиш, шунингдек, Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети ҳамда Самарқанддаги “Ипак йўли” халқаро университети ҳамкорлигида Глобал “яшил” туризм стартаплари лабораторияси яратиш кўзда тутилмоқда.

Имконияти чекланган сайёҳлар учун қулай шароитларни янада кучайтириш ва инклюзив туризм инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Президенти 2025 йилни “Бутунжаҳон инклюзив туризм йили” деб эълон қилиш ва махсус декларация қабул қилиш ташаббусини илгари сурди. Шунингдек, ёшлар учун сайёҳликни ривожлантириш лойиҳалари ҳамда янги ғояларни яратишда муҳим ва фойдали майдонга айланадиган Жаҳон ёшлар туризми саммитининг навбатдагисини Тошкент шаҳрида ўтказиш таклиф этилди.

Шу ўринда Шаҳрисабз шаҳрида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳамкорлигида жорий йил ташкил этилган халқаро тадбирни ҳам эслатиб ўтиш лозим. Унда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби бошчилигида ИҲТга аъзо давлатларнинг туризм маъмурияти расмийлари, хорижий ва маҳаллий экспертлар, ОАВ вакиллари ҳамда туристик операторлардан иборат 600 дан ортиқ меҳмонлар иштироки таъминланди.

Форумда Шаҳрисабз декларацияси қабул қилинди. Ушбу ҳужжат нафақат Ўзбекистонда, балки бутун ИҲТ маконида туризмни ривожлантиришда муҳим платформа бўлиб хизмат қилади.

Бундан ташқари, Ислом ҳамкорлиги ташкилоти Хива шаҳрини 2024 йил Ислом дунёсининг туризм шаҳри, деб эълон қилди. Бунинг асносида Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар туризм вазирларининг “Туризм индустриясини барқарор ва яшовчан қилиб ривожлантириш” мавзусида XII йиғилиши Хивада ўтказилди.

Россия Федерациясининг Москва шаҳри ВДНХ кўргазма мажмуасида эса “Путешествуй” халқаро туристик форуми доирасида Туризм соҳасидаги ҳамкорлик бўйича қуйи комиссиянинг иккинчи мажлиси ва кенгайтирилган тарздаги биринчи йиғилиши ташкил қилинди.

Туризм соҳасини ривожлантириш борасидаги ишлар давоми сифатида 2024 йилнинг 12 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикага хорижий

туристлар оқимини кескин ошириш ҳамда ички туризмни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари раислигида 2024 йилнинг 3 июнида туризмни янада ривожлантириш бўйича устувор масалалар юзасидан ўтказилган видеоселектор ва соҳадаги тадбиркорлар билан мулоқот йиғилишида тармоқ ва ҳудудлар раҳбарлари жорий йилда 11 миллион хорижий сайёҳни олиб келиши ва туризм экспортини 2,5 миллиард долларга етказиш учун масъул ва жавобгар бўлиши белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон жаҳон туризм бозорида энг жозибадор мамлакатлардан бирига айланиб бормоқда. Бу бир жиҳатдан туризм тараққиётига катта эътибор қаратилаётгани натижаси бўлса, иккинчидан юртимизнинг азалдан тарихий обидаларга бойлиги, халқимизнинг бағрикенг ва меҳмондўстлиги туфайлидир. Демак, мазкур соҳа имкониятларидан янада тўлиқ фойдаланилса, Янги Ўзбекистонинг истиқболи учун самарали тиргак бўла олади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йилнинг 12 январдаги “Республикага хорижий туристлар оқимини кескин ошириш ҳамда ички туризмни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони *(lex.uz)*;
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил 16 октябрдаги Самарқанд шаҳрида Бутунжаҳон туризм ташкилоти (ЮНВТО) Бош ассамблеясининг 25-сессиясидаги нутқи *(president.uz)*;
3. А.Эштаев. Туризм – иқтисодиётнинг етакчи соҳаси, натижалар қандай? *(uza.uz)*.